



XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

100120, Guliston sh., Islom Karimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: sirdaryo@exat.uz

2021 yil 15 mart

114/19-6-son

Guliston sh.

**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат
нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил
этиш ҳамда молиявий таъминлаш тўғрисида**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4473-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўз фаолиятини амалга ошириш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа харажатлар) учун 2021 йил Сирдарё вилояти маҳаллий бюджет параметрлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг намунавий тузилмаси **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин;

4. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Кенгаш ҳузуридалигини инобатга олиб, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлари, қўшимча тўловлари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижрочи директори (Ш.Бобожоновга)га:

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди штатлар жадвали ҳамда 2021 йил учун харажатлар сметаси, Сирдарё вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасидан рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди бош ҳисобчиси ва масъул котиби ва уларнинг намунавий хизмат вазифалари тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш учун Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига киритсин;

6. Вилоят адлия бошқармасига (Ж.Нуритдинов) жамоат фонди Устави, ўз номи туширилган муҳри ҳамда бланкасини қайтадан ишлаб чиқиш бўйича таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (П.Ахмеджанова) зиммасига юклатилсин.


Сессия раиси



М. Ходжиев

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят
Кенгашининг 2021 йил 15 мартдаги
114/19-6 сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат
нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат
фондининг намунавий
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг жами штатлар сони 3 нафар.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят
Кенгашининг 2021 йил 15 мартдаги
114/19-6 сонли қарорига
2-ИЛОВА

**Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши хузуридаги нодавлат нотижорат
ташкilotлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-
қувватлаш жамоат фондининг штатлар
ЖАДВАЛИ**

01.01.2021 йил ҳолатига МХТЭКМ - 474300

млн.сўмда

№	Лавозимлар номи	Штат бирлик лари сони	ЯТС бўйича разряди	Тариф коэфф.	Лавозим оклади (сўмда)	Устама ва қўшимчалар (сўмда)		Ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси (сўмда)
						20%	40%	
1	1	2	3	4	5	6	7	8
2	Маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар штат жадвали келтирилган							
3	Директор	1	14	2,421	1 809 213	361 843	868 422	3 039 478
4	Бош ҳисобчи	1	12	2,148	1 605 200	321 040	770 496	2 696 736
5	Бош мутахассис (Маъсул котиб)	1	12	2,148	1 605 200	321 040	770 496	2 696 736
6	Жами	3	х	х	5 019 613	1 003 923	2 409 414	8 432 950
7	Шунинг ўзи бир йилда							75 896 554
8	Кўп йиллик иш стажини учун ПК-2722 га асосан	Аниқ-ҳисоб китобларга асосан						
9	Шунинг ўзи вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари ва бўш иш жойлари бўйича тежалганнинг ҳисоби билан	X	X	X	X	X	X	74 378 623
10	Мукофот 2 оклад	X	X	X	X	X	X	16 865 901
11	Моддий ёрдам 1 оклад	X	X	X	X	X	X	8 432 950
12	Бюджет ташкilotлари ва муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси	X	X	X	X	X	X	7 437 862
13	Шунинг ўзи тўққиз ойда	X	X	X	X	X	X	107 115 336
14	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари тўлови, йиллик	X	X	X	X	X	X	743 786
15	Жами меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, йиллик	X	X	X	X	X	X	107 859 122

Изоҳ: Юқоридаги иш ҳақи миқдори МХТЭКМ бўйича ҳисобланади. МХТЭКМ ўзгарганда штатлар жадвали қайта ҳисоблаб чиқилади.